



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 23-mart • Seshanba • 36 (30.156) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 март куни Оқсаройда Уммон Султонлиги савдо ва саноат вазири Мақбул бин Али бин Султонни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Президент Ислам Каримовнинг Уммон Султонлигига 2009 йил октябрь ойидаги давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқди. Ушбу ташриф асосида йигирмага яқин ҳужжат имзоланиб, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланди ва ҳамкорлик қўламини кенгайтириш учун катта имкониятлар яратилди.

Уммон делегациясининг ташрифи доирасида икки мамлакат ишбилармонлари иштирокида бизнес-форум ўтказиш режалаштирилган. Бизнес-форум ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада фаоллаштириш, Ўзбекистон ва Уммоннинг сармоявий саноати билан яқиндан танишиш, биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин бўлган янги лойиҳалар юзасидан фикр алмашиш учун қўлай имкониятдир. Уммон ишбилармонлари «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига катта қизиқиш билан қарамоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Мақбул бин Али бин Султон самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Уммон Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантириш тарафлари эканини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)



«Наврўз — 2010»

Юртимизда қадим ва муқаддас байрам — Наврўзи олам шодиёналари давом этмоқда. Наврўз нафақат баҳор ва янгиланиш, яшариш байрами, айни чоғда янги орзу-умидлар байрамидир.

Табиат уйғониб, қир-адирлар, дала-дашлар ям-яшил либосга бурканаётган, дов-дарахтлар гулга кириб, қалбларимизни ажиб бир қувонч ва ҳаяжон чулғаетган ушбу шукуҳли дамларда пиру бадавлат отахону онахонларимиз дуога қўл очиб, юртимиз тинч, халқимиз бахтли-саодатли бўлсин, йилимиз қўтли-баракали келсин, дея эзгу тилакларни билдирмоқда.

Она заминимизда мўъжизалар рўй бераётган илоҳий кунларда кўнглимиздан ўтаётган пок ниятлар ҳамиша йўлдошимиз бўлсин!

Иқтидорли
ёшлар камол
топмоқда



Ишсизлик
қамрови



Ҳамкорлик
ривожланиш
гаровидир



Наврўзи оламни биз ўзининг чуқур маъно-мазмун ва фалсафаси билан ҳаётимиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона янги йилнинг дебочаси сифатида ардоқлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 23 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1416,97	1 Польша злотийси	539,46
1 Англия фунт стерлинги	2319,64	1 СДР	2369,61
1 Дания кронаси	281,68	1 Туркия лираси	1010,40
1 БАА дирҳами	422,16	1 Швейцария франки	1461,87
1 АҚШ доллари	1550,46	1 Евро	2124,19
1 Миср фунти	282,78	10 Жанубий Корея вони	13,64
1 Исландия кронаси	12,20	10 Япония йенаси	171,40
1 Канада доллари	1525,14	1 Россия рубли	53,00
1 Хитой юани	227,13	1 Украина гривнаси	194,39
1 Малайзия ринггити	467,22		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти конференциялари

Қизилтепа туман партия кенгаши «Фаол аёллар» қанотининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда қанот раиси Мақсуда Насруллаеванинг ҳисоботи тингланди.

— Ёш авлод тарбиясида хотин-қизларимизнинг ўрни бекиёс, — деди у. — Шунинг учун хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида турли ўқувлар ташкил этаямиз. — Бугун ҳар бир жабҳада аёллар муносиб меҳнат қилмоқда, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Раъно Валиева. — Сиёсат майдонида ҳам улар самарали фаолият

Баркамол авлод тарбиячилари



олиб боришмоқда. Хотин-қизларнинг Ватан равнақи, юрт фаровонлиги йўлидаги меҳнатини ташкил этишда, айниқса, касаначиликни ривожлантиришда партия ташкилотлари ҳам муносиб улуш қўшмоқда.

Конференцияда туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Машхура Каримова, «Туман-рис» газетаси муҳаррири Клара Бозорова, партия фаоли Нилуфар Буржаквалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Конференция кун тартибидagi масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

Феруза
ҚОДИРОВА

Муносабат



Катта хавф-хатар

Дунё бўйлаб



Лондон	—	12°с
Париж	—	17°с
Москва	—	2°с
Мадрид	—	19°с
Пекин	—	11°с
Гонгконг	—	29°с
Рим	—	19°с
Анкара	—	17°с
Токио	—	15°с
Стокгольм	—	2°с
Кейптаун	—	28°с
Қоҳира	—	25°с
Гавана	—	25°с
Вашингтон	—	11°с
Нью Йорк	—	13°с

23 март об-ҳавоси



Юртимизда

Тошкент	—	15°с
Самарқанд	—	13°с
Нукус	—	14°с
Қорши	—	17°с
Урганч	—	14°с
Навоий	—	15°с
Фарғона	—	14°с
Бухоро	—	16°с
Андижон	—	14°с
Наманган	—	14°с
Термиз	—	18°с
Жиззах	—	14°с
Сирдарё	—	14°с
Тошкент вил.	—	14°с

Банк ва мижоз



Ҳамкорлик ривожланиш гаровидир

— дейди «Ипотека банк» АТИБ
Сурхондарё вилоят филиали раҳбари
Шухрат Алимардонов

— Ёш оилалар уй-жой қуриш ва сотиб олишлари учун ҳуқуқимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда, — дейди Шухрат Алимардонов. — Мазкур йўналишлар бўйича ўтган даврда 135 нафар фуқарога 2302,5 миллион сўм кредит ажратилган бўлса, 88 та ёш оилаларга 1539,3 миллион сўм жамғарма ҳисобидан имтиёзли кредитлар йўналтирилди.

— Банкдан олган 21 миллион 603 минг сўм имтиёзли кредит туфайли Термиз шаҳри марказидан 3 хонали уй сотиб олди, — дейди Хусниддин Умбаров. — Кўп йиллик орауимиз ушалди.

— Мен ҳам шу банк мижозиман, — дейди шохмат бўйича вилоят чемпиони Набижон Норбоев. — 2009 йилда 21 миллион 603 минг сўм кредит олгандик. Барча шартларга эга 3 хонали уйга эга бўлдик.

Ўтган икки йил давомида «Ипотека банк» томонидан 51 нафар фуқарога уй-жой жиҳозлари харид қилиш учун 124,8 миллион сўмдан ортиқ истеъмол кредитлари ажратилди.

Ушбу банкдан 1 миллион 500 минг сўм кредит олгандим, — дейди яна бир банк мижози Шоира Ҳайдарова. — Ариза билан мурожаат қилганимдан кейин қисқа фурсатда кредит ажратишди.

Айни кунларда вилоятдаги 2 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектларига турли хизматлар кўрсатаётган муассасанинг мижозлари йил сайин кўпаймоқда. Биргина ўтган йили банк томонидан 9600,2 миллион сўм кредит маблағлари ажратилган бўлса, шунинг 3571,9 миллион сўми кичик бизнес субъектларига тўғри келади.

Банк берган маблағ ҳисобидан 2009 йилда 240 га яқин янги иш ўрни яратилган бўлса, 2010 йил якунигача вилоятда 300 га

яқин ёшлар муқим иш жойига эга бўлиши кўзда тутилган. Шу билан бир қаторда, ўтган йили Сурхоннинг тадбиркор аёлларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 215,0 миллион сўм маблағ йўналтирилиб, қирққа яқин қишлоқ аёллари иш билан таъминланди.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг турмуш шартларини яхшилаш йўлида ҳар йили хайрли ишлар амалга оширилаётир. Ўтган йили банк томонидан 53 та оилага қорамол сотиб олиш учун 105,8 миллион сўм маблағ ажратилди.

2009 йилда Термиз давлат университети-нинг янги биноси фойдаланишга топширилган эди. Ушбу қурилишга банк томонидан 300,0 миллион сўм кредит ажратилган бўлса, «Ангор пахта заводи» акциядорлик жамиятини реконструкция қилишга 900,0 миллион сўм маблағ берилган.

Баркамол авлод йилида эса Термиз шаҳрида замонавий «Бахт уйи» фаолият бошлади. Улкан бунёдкорлик ишларига «Ипотека банк» 500,0 миллион сўм кредит ажратди.

Бугунги ҳаракат эртанги фаровонлик калити бўлиши муқаррар. Шу каби эзгу ва хайрли ишларни банк ва унинг жойлардаги филиаллари жамоаси давом эттиришни мақсад қилган.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
Бахтиёр АЛИҚУЛОВ. ☎

*Дастурхонларимиз тўқинлиги
учун меҳнат қилаётган
барча чаллакорларни, юртдошларимизни
Наврўзи олам билан табриклаб,
уларга ҳамма баҳорий кайфият
йўлдош бўлишни тилаймиз!*

**«Шовотдон» маҳсулотлари
акциядорлик жамияти жамоаси.**

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси жамоаси

Халқимизни, шу
жумладан, тармоқнинг
барча ходимларини
қадимий ва гўзал байрам
— Наврўз айёми билан
самимий муборакбод
этади.

Иқтисодиётимизнинг
қон томири ҳисобланган
темир йўл транспорти
ходимлари ҳаммиша
халқимиз фаровонлигини
ошириш йўлида бекам-
кўст хизмат қилишга
тайёр.

Жиятимиз, туку

*Наврўз шодиёналари барча зонадошларга қут-баракат,
тўқин-сочинлик ва фаровонлик олиб келсин!*

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55,
233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83,
236-55-17

VILOYAT
MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston
ovozi»ning kompyuter
markazida teriladi va
sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa
aktyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Kerxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston
Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007 yil
11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba
va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi»
materiallarini ko'chirib
bosish faqat tahririyat ruxsati
bilan amalga oshiriladi.

Г — 249

16312 nusxada bosildi

Т — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'za yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 23.15
1 3 4 5

Sotuvda erkin narxda